



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (12.040)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ОРТМОҚДА

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ички бозорни рақобатбардош маҳсулот турлари билан таъминлаш, импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқаришда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор, имтиёз ва рағбатлар соҳа ривожига муҳим ўрин тутмоқда.**



лан ўзаро манфаатли келишувга эришиш мақсад қилинган. Шунингдек, Россия давлатига ҳам экспорт қилинмоқда. «Интилганга толе ёр» деб, халқимиз беҳиз айтмайди. Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган халқаро модлар на-мойишида «Irodal» МЧЖ жорий йилда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари коллекцияси билан муваффақиятли қатнашиб, кўплаб чет элликлар, жумладан, Лондон модлар уйи вакилларининг алоҳида эътирофи сазовор бўлди. Яқин келажакда улар би-

Буни ўз фаолияти давомида муваффақиятларга эришадиган, ички ва ташқи бозорни чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқаришда илг'ор технологияларни самарали қўллаётган кичик корхоналар мисолида яққол кўриш мумкин. «Irodal» масбулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналар сирасидандир.

Корхонада асосан маҳаллий хом ашё — пахтадан тайёрланган матолардан фойдаланилиши тайёр либосларнинг таннархи бирмунча арзон бўлишини таъминлаш билан бирга, уларнинг экологик тозаллиги кўпчиликини мамнун қиляпти. Хорижий технологик линиялар, тикув машиналари, керакли жиҳозлар 95 нафар малакали ишчи-хизматчига ҳақиқий мадад бўлмоқда. Турли соҳа вакиллари учун тикилаётган маҳсулоти иш кийимлари сифати, бежиримлиги, қулайлиги, чидамлилиги боис харидорғирдир.

— Ишлаб чиқаришни кенгайтиришда мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига учун яратилган ҳар бир имкониятдан омилкорлик билан фойдаланиб, қулайликлардан баҳраманд бўляпмиз, — дейди «Irodal» МЧЖ директори Бахтиёр Хўжаев. — Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида корхонамизга 20 та қўшимча иш ўринлари ажратилди. Меҳнат жамоасига яратилаётган шарт-шароитлар сифати ва самарадорлиги оширмоқда.

Дарҳақиқат, омилкорлик талаб қилинаётган даврда корхона янги йўналишда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Ҳозирда бу ерда замонавий дизайнли қўллаган ҳолда маҳаллий хом ашёдан эркак, аёл ва

ўсмирлар учун футболка, спорт либослари ва ички кийимлар тайёрланмоқда. Ушбу маҳсулотлар сифатли, экологик стандартларга тўлиқ мос. Шу боис ички бозорда уларга талаб катта, шунингдек, Россия давлатига ҳам экспорт қилинмоқда.

«Интилганга толе ёр» деб, халқимиз беҳиз айтмайди. Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган халқаро модлар на-мойишида «Irodal» МЧЖ жорий йилда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари коллекцияси билан муваффақиятли қатнашиб, кўплаб чет элликлар, жумладан, Лондон модлар уйи вакилларининг алоҳида эътирофи сазовор бўлди. Яқин келажакда улар би-

лан ўзаро манфаатли келишувга эришиш мақсад қилинган. Шунингдек, Россия давлатига ҳам экспорт қилинмоқда. «Интилганга толе ёр» деб, халқимиз беҳиз айтмайди. Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган халқаро модлар на-мойишида «Irodal» МЧЖ жорий йилда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари коллекцияси билан муваффақиятли қатнашиб, кўплаб чет элликлар, жумладан, Лондон модлар уйи вакилларининг алоҳида эътирофи сазовор бўлди. Яқин келажакда улар би-

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА  
Козим Улмасов олган сурат

## МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Тошкентда «БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига оид вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторингинг бўйича мустақил институт, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалар тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО ва Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Германия, Словения, Украина, Жанубий Корея, ЕХТ, БМТ агентликлари ва бошқа халқаро ташкилотларнинг етакчи экспертлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунийлик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари, олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчиси сифатида 2000 йилда ўтган Мингйиллик саммитида мамлакатлар олдига қўйилган вазифаларни изчил амалга ошираётгани, уларни бажариш борасида кўплаб кўрсаткичлар бўйича етакчи эканлиги таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бarchа жабҳаларда фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий манфаатларини таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини оқсатиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг изчил амалга оширилиши бундай муваффақиятли ривожланишда муҳим омил бўлмоқда.

Хорижий экспертлар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва мамлакатимизда барча демократик тўб ўзгаришлар, жумладан, давлат бошқаруви тизимини эркинлаштириш, иқтисодийни модернизация қилиш, ижтимоий институтлар ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилаётган, ҳар томонлама кенг қамровли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган «ўзбек модели» ҳамда ривожланишининг беш тамойили юқори самара бераётганини алоҳида таъкидлади. Иштирокчиларнинг умумий фикрига кўра, Президент Ислам Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берган комплекс тўб ўзгаришлар янги босқичнинг устувор йўналишлари ва бу борда қайд этилган чора-тадбирлар Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари вазифаларига тўла жавоб берадиган давлат сиёсати ҳаёта из-

чил таъбиқ этилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Экспертларнинг фикрича, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш дунёнинг барча давлатларида ҳам Ўзбекистондаги каби давлат сиёсатининг устувор йўналишлари даражасига кўтарилиши йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январда қабул қилинган қарори ҳам шундан далolatдир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистонда 2015 йилгача БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир комплекс қўшимча чора-тадбирлар ҳаёта таъбиқ этилмоқда. Ушбу тизимли чора-тадбирлар Мингйиллик декларациясида белгиланган барча саккиз мақсад бўйича 88 устувор йўналишни ўз ичига олган.

Мустақил ривожланиш даврида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 3,5 баробардан ошди. Сўнгги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистонда дунёда энг юқори иқтисодий ўсish кўрсаткичларидан бирига эришилди. Шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотини шакллантиришга қўшаётган улуши Европадаги ўртача кўрсаткичга яқинлашди. Семинарда қатнашган мутахассисларнинг фикрига кўра, аниқ мақсадга қаратилган инвестиция сиёсати, тармоқларни ривожлантиришга доир амалга оширилаётган комплекс дастурлар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ҳар йили изчил ўсиб бориши, 2015 йилда унинг ҳажмини 1,5 баробарга қўлайтириш учун аниқ шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодиётда эришилган ютуқлар соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳоли турли қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш соҳасида самарали ижтимоий сиёсатни рўйбга чиқариш имконини бераётди. Жорий йилда Давлат бюджетини барча сарф-харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун, жумладан, 48 фоизи таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган.

(Давоми 2-бетда)

## «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевнинг концерти бўлиб ўтди.

## ЭЛ АРДОҒИДАГИ САНЪАТКОРНИНГ ҚАЛБ НАВОЛАРИ

Тинч ва фаровон, одамлари ҳаётини рози бўлиб яшаётган юрtdа санъат равнақ топади. Элу элатлар ўртасида халқорлик ришталарини мустаҳкамлаш, одамлар қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, ёшлар маънавиятини бойитишда мусиқа санъатининг таъсири ва аҳамияти гоят юксакдир.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий мусиқа санъатимизни ривожлантириш, унинг бетакрор анъана ва мактабларини тиклаш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Юртимизда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, санъат ҳафталиклари, турли кўрик-танловлар ва бошқа тадбирларни юксак савияда ўтказиш анъанага айланди.

Бу жараёнда ёшларни бебаҳо санъатимиз намуналаридан баҳраманд этиш, уларнинг бадиий-эстетик дидини юксалтириш билан бирга, миллий мусиқа санъатимизни ривожига муносиб ҳисса қўшаётган инсонлар меҳнатини эъзозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди.

Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Муножат Йўлчиевнинг «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 20 ноябрь куни бўлиб ўтган «Қалб наволари» деб номланган концертида бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди.

Элу юрт ардоғидаги хонанда, ўзбек миллий мусиқа санъатининг етук намоёнаси Муножат Йўлчиева концертининг халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ўтказилишида рамзий маъно мужассам. Зеро, ушбу мухташам қошона нафақат миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси, аини пайтда мамлакатимизнинг юксак иқтисодий, интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари ифодасидир.

(Давоми 4-бетда)

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори!» республика кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи якунланди.

• Кўқон давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 19 йил тўлиши муносабати билан илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар Асосий Қонунимизнинг бугунги фаровон ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича тўхтадилар.

• Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги «Фаровон-Файз» хусусий корхонасида мебель ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологик линия ишга туширилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун банкдан 90 минг АҚШ долларлики кредит ажратилди. Пировардида 10 киши меҳнат қилаётган корхонада бежиримлиги ҳамда сифати жиҳатидан хорижликдан қолишмай-диган бир неча турдаги идора ва уй мебеллари тайёрлаш йўлга қўйилди. Вилоятда жорий йилнинг 9 ойида айнан кичик саноат корхоналари томонидан 45,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

• Хоразм вилояти йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида вилоятда «Урганч йўловчи транс» давлат унитар корхонаси ташкил қилинди. Ҳозир шаҳарда Самарқанд автомобил заводида келтирилган 45 та «ISUZU» автобуси еттига янги йўналиш бўйича мунтазам қатновларни амалга оширмоқда. Лойиҳани рўйбга чиқариш учун 3 миллиард 104 миллион сўм сарфланди. Йўл ҳақининг нисбатан арзонлиги ҳамда қатновнинг доимийлиги урганчликлару шаҳар меҳмонларига манзур бўлмоқда. Энг муҳими, «Урганч йўловчи транс» корхонасида 100 та иш ўрни яратилди. Жорий йил охирига қадар яна 55 та худди шундай автобус келтирилиши режалаштирилган.

• Қашқадарё вилояти Фузур туманидаги «Пачкамар» наслчилик хўжалигида қоракўл терини қайта ишлайдиган «Олтин мўйна жили» масбулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Таъкидлаш керакки, мазкур турдаги терилар жаҳон бозорига ноёб ва қимматбаҳо ҳисобланади. 140 миллион сўм эвазига бунёд этилган корхонада аини пайтда йигирма кишилик жамоа томонидан қора, қўқ ва сур рангли қоракўл терилар қайта ишланиб, ойига 4 мингтагача маҳсулот тайёрланапти. Унинг асосий қисмини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

## ЖАҲОНДА

• Куюк туман туфайли Лондондаги «Хитроу» ҳамда «Лондон Сити» аэропортлари иш тартиби издан чиқди. «AFP» ахборот агентлиги хабарига кўра, жами 176 та рейс бекор қилинган. Аэропортлар маъмурияти йўловчиларга сафарга чиқишдан аввал хизмат кўрсатувчи компанияга мурожаат этиб, парвоз ҳақида аниқ маълумот олишни таклиф қилмоқда. «Хитроу» дунёдаги энг йирик аэропортлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар куни 1300 та рейс амалга оширилади. Парвозлардаги кечикиш сабабли кутиш заллари минглаб йўловчилар билан тўлган.

• Мьянма шимоли-ғарбида 5,9 балли zilзила содир бўлди. Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Қурбонлар ва талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ. Табиий офат маҳаллий аҳоли ўртасида саросимани келтириб чиқарган. Чунки жорий йилнинг март ойида бу ерда юз берган кучли ер силқинишу туфайли 150 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, 400 га яқин турар жой ва қарийб 15 та маъмурий бино жиддий зарарланганди. Одамлар ана шу муҳдиш воқеа тақрорланишидан ҳадиксирашмоқда.

• «Fitch» халқаро рейтинг агентлиги мутахассислари Европанинг бир қатор мамлакатларида давом этаётган иқтисодий инқироз АҚШнинг йирик банклари фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини маълум қилдилар. «JPMorgan Chase», «Bank of America», «Citigroup», «Wells Fargo», «Goldman Sachs» ва «Morgan Stanley» каби молия муассасалари шулар жумласидандир. Чунки ушбу банклар Греция, Ирландия, Испания, Италия ва Португалия билан сарможавий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

• Нидерландиянинг «ABN Amro» банки жорий йилнинг учинчи чорагини 500 миллион евро микдоридаги зарар билан якунлаган. Гап шундаки, банк жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бермасдан олдин Грецияга тегишли 1,5 миллиард евро қий-матдаги қимматли қозғаларни сотиб олганди. Ҳозир ушбу мамлакатда иқтисодий танглик кузатилмоқда. Бу эса банкнинг катта микдорда маблағ йўқотишига сабаб бўлган. Маълумот ўрнида айтиб ўтаамиз, инқироз даврида «ABN Amro» банкини талафотлардан асраш мақсадида у ҳукумат тасарруфига ўтказилганди. Кўриниб турибдики, бу чора ҳам молия муассасасини салбий ҳолатдан асраб қололмаган.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан иқтидорли ўқувчи ва талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Олтин давр оstonасида» фестивалига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида «Маҳалла» жа-мғармаси Шайхонтоҳур туман бўлими ҳисобот конференцияси ўтказилди.

✓ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ОАВ ходимлари иштирокида «Жамиятни оммавий ахборот воситалари орқали ёнғин хавфсизлиги муаммолари ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўллари ҳақида хабарлаш тизимини тақомиллаштириш» мавзусида анжуман ташкил этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон мамлакат Президенти раҳнамоллигида юксак натижаларга эришмоқда, — дейди «ABU consult Berlin GMBH» лойиҳаси директорлар кенгаши аъзоси Ева Мария Хенкел (Германия). — Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага катта миқдорда йўналтирилган инвестициялар аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, мамлакатнинг таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган муваффақиятлар дунёдаги етакчи мамлакатлар натижаларидан кам эмас. Ўзбекистонда 12 йиллик умумий бепул таълим ва аҳолига замон талабларига мос тиббий хизмат қўраши таъминланган. Бундай ижтимоий мажбуриятларни ўз зиммасига олган давлатлар ҳозир жуда кам. Европа Иттифоқининг эксперт ҳамжамияти Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида амалга оширилган туб ўзгаришлар жараёни ва бошқа давлат дастурларига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифаларни ҳал этиш ва Ўзбекистонни янада ривожлантиришга хизмат қилади».

Хорижлик экспертлар таълим сифатини тубдан ва тизимли равишда оширишга қаратишган, ўз мазмун-моҳиятига кўра ноёб кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш самараларини ҳам юксак баҳолади. Мамлакатимиз Конституциясида барча фуқароларнинг бепул умумий таълим олиши кафолатланган. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари ва халқаро стандартларга биноан ўқув дастурлари ҳамда касбий таълим йўналишлари тақомиллаштирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Юқори малакали бепул шифолиқ тиббий ёрдам қўраши тизими, қишлоқ врачлик пунктлари, скрининг ва перинатал марказлари тармоғи ташкил этилди, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббийёт соҳаси учун кадрларни тайёрлашга ёндашувлар тубдан ўзгарди. Натижада мамлакатимизда истиклол йилларида оналар ва болалар ўлими уч баробар камайди. Аҳолининг касалликка чалиниш умумий даражаси ҳам пасайди. Аҳолининг ҳатто қишлоқ жойларда ҳам сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланиши таъминланмоқ-

да. Умуман олганда, Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш борасидаги муҳим кўрсаткичлардан бири — одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга ошди. Экспертларнинг қайд этишича, бу МДХ давлатларидаги энг юқори кўрсаткичдир.

«Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш учун ноёб инвестицион муҳит яратилган, мамлакатингиз дунёда ялпи ички маҳсулот ва асосий капиталга сарфланаётган инвестициялар бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бирини намойиш қилмоқда, — дейди Жанубий Кореянинг «Шингдон ресурсез» компанияси бош маслаҳатчиси Санг Юн Ким. — Ўзбекистон ўз ижтимоий сиёсатини амалга оширишда иқтисодий ютуқлардан, айниқса, инсон ресурсларини ри-

сурсларидан бу ерда яшаётган барча халқлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда оқилона фойдаланишни таъминлаш Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг ушбу муҳим масалаларни ҳал қилиш борасидаги қатъий позицияси ва саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда қатор давлат дастурлари ва миллий ҳаракат режалари ҳаётга татбиқ этилаётди. Мамлакатимиз ушбу соҳада халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда.

Семинарда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишда фуқаро-

ни таъкидлади. Унга мувофиқ янги қонунлар пакетининг қабул қилиниши соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги давлат дастурлари ва катта ижтимоий аҳамиятга эга бошқа ҳужжатларни бажаришда фуқаролик институтларининг иштирокчини кенгайтириш бўйича ҳуқуқий асос яратди.

«Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини фаол ривожлантириш учун ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий база шакллантирилган, — дейди Фуқаролик жамияти муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори Виталий Кулик (Украина). — Миллий парламент ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва маҳалла каби фуқаролик институтининг самарали фаолияти экспертлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Негаки, бу гоёт ноёб ҳодисадир. Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ислохотларнинг «Ўзбек модели» доирасида амалга оширилган вазифаларга тўлиқ мос келади. Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, фуқаролик жамияти, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш борасидаги тажрибаси Украина ҳамда бошқа ривожланаётган мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Яна шунини таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, Экологик ҳаракатнинг Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизи ҳавзасини экологик соғломлаштириш, минтақа сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишга доир лойиҳаларининг амалга оширилиши мазкур институтлар фаолиятининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этишга оид ишлардаги муҳим натижасидир. Бундан Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ибрат олса арзийди».

Муҳтасар айтганда, амалий мулоқот руҳида ўтган халқаро семинар қатнашчилари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга доир вазифаларни бажаришда Ўзбекистон катта ижобий тажрибага эга эканини таъкидлади. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига аъзо қўлаб бошқа ривожланаётган давлатлар учун модель бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келди. **Анна ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири**

### МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

вожлантиришга қўмаклашувчи соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида эришилган самаралардан оқилона фойдаланмоқда. Бугунги замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича кўп босқичли ноёб тизим амалга оширилмоқда. Ҳар бир фуқаро тиббийёт соҳасида юқори малакали хизматлардан баҳраманд бўлмоқда. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва бепул хизмат кўрсатадиган иктисослаштирилган тиббийёт муассасалари тармоғининг ташкил этилгани оналар ва болалар ўлимининг бир неча баробар камайишига имконини бермоқда — бу мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий ва муҳим самараларидандир. Ўзбекистон ҳукумати Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган ноёб дастурни қабул қилди. Мингйиллик ривожланиш мақсадларини марказ, худудлар ва тармоқлар даражасида амалга оширадиган миллий инфратузилмани ташкил этиш дастурининг ана шундай ноёб жиҳатларидандир».

Семинар қатнашчилари Марказий Осиёда экологик барқарорликни ва минтақанинг сув ҳамда энергетика ре-

лик жамияти институтлари — сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этаётгани Ўзбекистоннинг бу борада эришаётган юксак натижаларидан ҳисобланиши таъкидланди. БМТ Мингйиллик мақсадларига ҳамоҳанг миллий ривожланиш мақсадларига эришиш билан боғлиқ қўлаб масалаларни ҳал этишда, бу борада амалга оширилаётган давлат дастурлари ижросини мониторинг қилишда уларнинг роли тобора ортиб бораётди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фуқаролик институтлари аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлашга қўмаклашмоқда, жамиятнинг давлат билан самарали мулоқотини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Шу муносабат билан хорижлик экспертлар Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган фуқаролик институтларини ривожлантиришга доир қонунчилик ташаббуслари алоҳида долзарб аҳамиятга эга экани-

**Конституция давлатнинг Асосий Қонунини бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг қиёфаси ва нуфузини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам мамлакатимизни дунёга танитган, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида фаол ҳаракат қилишига ҳуқуқий замин яратган муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир.**

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ АКС ЭТГАН ҚОНУН



Конституция тўғрисида сўз борганда унинг нафақат халқаро муносабатлардаги аҳамияти, балки ички ислохотлар жараёнида асосий ҳуқуқий манба эканлигини ҳам алоҳида эътибор этиш мақсадида мувофиқдир. Конституциямизнинг ҳар бир моддасини ўқиб кузатар эканмиз, унда, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини масаласига, уларнинг амалга оширилиши таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Конституциянинг қабул қилиниши Ўзбекистон халқининг тарихида туб бурилиш ёсади, янги демократик ҳуқуқий давлат қуриш асосини яратди. Бунда бажарилиши лозим бўлган вазифалардан бири мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдир.

Конституциянинг ҳар бир моддаси инсон, унинг моддий ва маънавий талаб ва эҳтиёжларини, манфаатларини қондириш ҳамда халқимизнинг раванки учун хизмат қилади. Унда биринчи навбатда шахс манфаати устун деб белгиланган, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатлари энг олий қадрият деб муҳрланган. Бош Қомусимизда шахс ва жамият муносабатларининг барча қирралари ақс этирилган. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини эътибор этиш, уларга риоя қилиш, таъминлаш ва ҳимоялаш, уларни ҳар қандай ноқонуний аралашув ёки чеклашдан муҳофаза қилиш вазифасини давлат ўз зиммасига олган.

Конституциянинг ҳар бир моддаси ўзбек менталитети, тарихи, кўп миллатли халқимизнинг иродаси, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоғларига содиқлиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қондалари устунлиги тан олинган ҳолда улўв халқимиз тафаккури дурдоналари билан бойитилган юксак маънавият ва маърифат гоғларига асосланган.

Жамиятда шахсининг тутган ўрни ва маъна, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда бурчлари конституциявий ҳуқуқ мезърларида ўз

ифодасини топган. Инсон ва жамият, шахс ва давлат муносабатларидаги қатор муаммолар ечимини топишда, авваламбор, шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига қанчалик эътибор берилмаётганига катта аҳамиятга эга. Шахс ҳуқуқлари ҳолатининг асослари, унинг таркибий қисмлари ҳар бир тараққий этган мамлакатлар конституциялари ва конституциявий қонунларида мустахкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг ва инсоният ҳуқуқий маданиятининг барча илғор қадриятлари чамбарчас узвий боғлиқ эканлиги ўз аксини топди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича қўлаб халқаро шартномаларга қўшилди ва улар бизнинг мамлакатимизда ҳам амал қилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича мезърларни бажариш барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбурияти ҳисобланади. Унда жамият кенг қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳақидаги билимлари ҳамда уларни тарқатиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустахкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир инсонга, ҳар бир фуқарога тааллуқли бўлиб, барча учун тенг ва баробардир. Конституцияда инсон ҳуқуқларига содиқлик тантанали равишда эълон қилинган, унда ҳозирги замон Конституцияларига хос бўлган умумий йўналишлар ақс этган, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринга қўйилган, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва уларнинг кафолати ҳамда фуқароларнинг бурчлари мустахкамланган.

Республикамиз фуқаролари мансабдор шахслар, давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ноҳўй ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқароларнинг шикоятлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тар-

зда ва муддатларда кўриб чиқиши ва ҳал қилиниши лозим. Мансабдор шахсларнинг қонунини бузиб, ваколат доирасидан чиқиб қилган гайриқонуний ҳаракатлари, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қамситадиган ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ мезърлари талабига мувофиқ, Ўзбекистонда нафақат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини конституциявий-ҳуқуқий ҳимоялаш асослари ва кафолатлари шакллантирилди, балки уни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш юзасидан ташкилий механизм ҳамда тегишли миллий инфратузилма ҳам вуқудга келтирилди.

Конституцияда мустахкамланган, юксак маънавий, ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарнинг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизнинг янгилашишига қўмаклашди, мамлакатимиз фуқароларида янгича турмуш тарзини ва янгича тафаккури шакллантирди. Асосий Қонунимиз фуқароларини энг олдда мустақиллик, эркинлик, қадр-қиммат, масъулият, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғун ҳолда кўриш каби эзгу гоғларни қарор топтиришга хизмат қилишига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 13 ноябрдаги қўшма мажлисида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига бағишланган маърузасида «Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгилашлар жараёни бутун жамиятимиз, соҳаватли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айлишини учун барча иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги ишга соғайлик, эл-юртининг манфаати, она Ватанимизнинг раванки ва келажаги учун бир ёқдан бош чиқариб меҳнат қилайлик» деган даъвати инсон манфаатларига юртимизда берилмаётган эътиборнинг юксаклигидан далолат беради.

**Тоҳир БУРИҲУЖАЕВ, Тошкент Давлат юридик институтининг «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди**



## УСТА-ҲУНАРМАНДЛАР ИЖОДИ НАМОЙИШИ

**Миллий санъат марказида «Bazar-Art. Куз — 2011» IX Ўзбекистон анъанавий ва безакли-амалий санъат кўргазма-ярмаркаси якунланди.**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазма-ярмаркада мамлакатимизнинг турли худудларида фаолият кўрсатаётган уста-ҳунармандларнинг ижодий ишлари намойиш этилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида миллий ҳунармандлик санъатининг асрий анъана ва мактабларини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан амалга оширилаётган қатор лойиҳалар бунда муҳим аҳамият касб этаётди.

Тўрт кун давом этган «Bazar-Art. Куз — 2011» лойиҳаси якунига кўра, буҳоролик ҳунармандлар Сайёра Ҳакимова, Улугбек Мухамедов, наманганлик Латиф Садритдинов, тошкентлик усталар Мирсаид Нейматов, Нилуфар Расулова турли номинациялар бўйича голий деб топилди. Голий ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

## Иқтисодиёт

### СИФАТЛИ ШИРИНЛИКЛАР

**Бозор ва харидор талаблари асосида маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини оширишга қаратилган эътибор ўз самарасини бериб, тадбиркор жамоалар бу борада замонавий техника ва илғор технологиялардан фойдаланишмоқда.**

Шу боис ҳам бугунги кунда бозорларимизда истеъмолчи дидига мос ва эҳтиёбига яраша маҳсулот турлари ортиб, уларнинг аксарияти импорт ўрнини босиши билан талабни тўла қондирмоқда. «Надира-Бегим қандолат» хусусий корхонасида ҳам сифатли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, бозорни тинмай ўрганиш асосида ширинликлар турларини кўпайтиришга, харидорларни жалб этишга эришилмоқда.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида яратилган имкониятлар бизга кўл келди, — дейди корхона раҳбари Улугбек Акбаров. — Аҳоли дастурхонига бир неча турдаги янги қандолат маҳсулотларини тортиқ этишга муваффақ бўлдик. Энг муҳими эса Хитойдан келтириб, цехимизга ўрнатилган замонавий дастгоҳ қуввати асосида тайёрланаётган маҳсулотларимиз, яъни печенье ва конфетларимизнинг сифати, ўралиши ҳамда қадокланишига катта эътибор қаратаётганимиздир. Шу боис ҳам бурюрмачиларимиз сафни ортиб бормоқда. Нафақат пойтахтимиздаги истеъмолчиларга, балки вилоятлардаги харидорларимизга ҳам қандолат маҳсулотларимизни етказиб бераймиз.

Тадбиркорларнинг келгуси режалари сирасидан яна бир янги лойиҳа ўрин олган бўлиб, унга асосан хорижий ускуна келтириш кўзда тутилмоқда. Янги технологик линия ишга тушган эса қўшимча иш ўринлари ҳам яратилади, маҳсулотнинг рақобатбардош турлари ҳам ортади.

## ФИРМА ДЎКОНИ ОЧИЛАДИ

**Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида кўпчилик тадбиркор жамоаларимиз ўз маҳсулотларини фирма дўконлари очиб, истеъмолчиларга тортиқ этишмоқда.**

Бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб, ўзининг замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган «Вкусняшка» сироклари билан харидорларни жалб этаётган «Делайт.Нео» масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари ҳам фирма дўконини ташкил этишни режалаштиришган. Бу харидорга ҳам, шунинг баробарида истеъмолчи талаб ҳамда тақлифини ўрганишда ишлаб чиқарувчига ҳам қулай ва фойдалидир.

— Бугунги кунга келиб маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда 14 турдаги маҳсулот тайёрляймиз, — дейди катта менежер Дилмурод Қориев. — Россия технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз импорт ўрнини босиши билан ажралиб туради. Улар ўзининг хуш таъми билан нафақат кичкинтойларга, балки барча ёшдаги харидорларга манзур бўлмоқда. Шу ўринда таъкидлашим лозимки, мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда эндиликда экспортни ҳам йўлга қўйишни режалаштираямиз. Бунинг учун эса маҳсулотларимизнинг халқаро андозаларга мос бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлар маҳсулот турларини кўпайтиришни мақсад қилган ҳолда Россиядан янги юксак унумга эга дастгоҳ келтириш саъй-ҳаракатида. Шоколадли зефир тайёрлаш йўлга қўйилиши кўзда тутилган бўлиб, янги цех ишга туша, яна 30 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланади. Хозирда эса корхонада меҳнат қилаётган 50 нафардан зиёд ишчи-ходимга етарли шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу иш самараси ва маҳсулот сифатида ўз аксини топмоқда.

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

**Тадбиркорлик билан иш юритиш, маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқада бўлиш, ички ҳамда ташқи бозорни чуқур ўрганиш янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда муҳим роль ўйнайди.**

«Тошкент мануфактура» хусусий корхонаси тадбиркорларининг изланишлари ҳам йил сайин ўз самарасини бермоқда. Хозирги пайтда 60 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи иш билан таъминланган мазкур корхонада илғор технологияларни қўллаган ҳолда қишлоқ ва тозалаш воситалари тайёрланади. Йил сайин маҳсулот турлари ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошираётган корхона тадбиркорлари янги лойиҳаларни ҳам амалга оширишмоқда. Хозирда корхонада 90 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, болалар шампуни, қишлоқ воситаларининг ҳам янги турлари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

— Ҳар томонлама қўлаб-қувватлашлар ўз самарасини бериб, — дейди корхона директори ўринбосари Фаррух Расулов, — янги лойиҳамизни ҳам амалга оширдик. Айни пайтда Германия, Италия, Россиядан келтирилган талаблар даражасига мос дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган цехимизни ишга тушириб, маҳаллий хом ашёдан трикотаж маҳсулотлари ҳам тайёрляймиз. Энг муҳими, уларнинг бозори қаққон бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, имкониятлардан оқилона фойдаланаётган жамоа аҳли маҳсулотларнинг бир қисmini Россияга экспорт қилишни режалаштиришган.

**Шарофат БАХРОМОВА**

(ЎЗА)

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 45-модда)

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси — давлатимизнинг доимий эътиборида. Бу борада миллий кўнгилчилик асослари яратилган ва изчил тақомиллаштирилган. Ёшларнинг таълим-тарбия олиши, бундан ташқари мазмуни ўзгариши билан боғлиқ масалалар ҳуқуқий жиҳатдан янада мустақамланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртада назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни бу борада муҳим аҳамият касб этаётди. Мазкур қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг масъулиятини янада оширди. Болаларнинг ғайри ижтимоий ҳуқуқ-атворини эрта аниқлаш ва барта-раф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини яхшилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди.

Вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувида интернет-кафедралар, кўнгил очиш ёки дам олиш жойларида бўлишига йўл қўймасликка оид меъёرنинг қўйиш-қилини белгиланган болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадрлар ва аъён-аналарга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси йўлида амалга оширилаётган ишлар, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, турли иллатлардан муҳофазалаш масалаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шўҳра ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи У.Нарзуллаев, Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Р.Шералиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар мамлакатимизда келажак эгалар бўлган ёшларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етиши йўлида барча шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлади. Юртимиз аҳолисининг яридан кўпрогини ташкил этувчи болалар ва ёшлар учун ҳозирги кунда ўн мингта яқин умумтаълим мактаби, 1,5 мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, ўнлаб олий ўқув даргоҳи фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, ушбу муассасаларнинг барчаси замон талабларига мос жиҳозланган.

Фарзандларимиз бундан ташқари мазмуни ўзгаришига қўмақлаштириш борасида ички ишлар идоралари ва маҳаллалар ўртасида изчил ҳамкорлик йўлига қўйилган. Юртимизда фаолият юритаётган 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пункти атрофида ташкил этилган спорт майдончалари, факультатив тўғараклар, кичик бизнес шохбачалари болалар тарбиясида қўмақ бераётди.

Шунингдек, болалар иштирокчида турли профилактика тадбирлари олиб борилаётгани, назоратсиз болалар вояга етмаганларни аниқлаб, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилаётгани ўз самараларини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида жиноятда иштирок этган вояга етмаганлар сони анча қисқарган, улар томонидан содир этилган оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, талончилик, безорилик ва ғиёҳхандлик билан боғлиқ жиноятлар кескин камайган бунинг амалий натижасидир.

Матбуот анжуманида журналистларнинг бу йўналишдаги саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Н.АБДУРАИМОВА, Ўза Мухбири

Давлатимизнинг ҳам барчамиз доимо фахрланадиган рамзлари — байроғи, герби ва мадҳияси бор. Айниқса, нуфузли халқаро спорт мусобақаларида спортчиларимиз галабалари шарафига байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз ижро этилганида албатта, барчамизнинг дилимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради.

Келажак буюқ давлат барпо этиш гоёси мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ қабул қилинган давлатимиз рамзларида ўз ифодасини топган. 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган байроғимизда ҳам халқимизнинг хоши-иродаси, ақл-салоҳияти, ғурури, кайфияти акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Давлат байроғи қабул қилинган кўннинг 20 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар иختисослаштирилган хотин-қизлар коллежида ўтказилган «Байроғимиз — мустақиллигимиз тимсоли» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда шу хусусда сўз борди.

Давра суҳбатини очар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Эркин Ўсупов давлатимиз рамзлари ёшларимизнинг миллий ғурурини ошириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Давлат рамзлари худди она Ватан каби азиз ва муқаддас. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажак ўз ифодасини топади. Рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келган. Рамзлар ва тимсоллар халқнинг тарихи, руҳияти, аъёналари билан чамбарчас боғлиқ.

Тадбирлар

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ



Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Гулноза Эрназарова «Давлат байроғи тўғрисидаги қонунчилик асослари» мавзусида батафсил фикр юритди. Коллеж ўқитувчиси Навбахор Мамажонова эса «Ёшлар тарбиясида давлат рамзларининг ўрни» хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнггида иختисослаштирилган хотин-қизлар коллежи ўқувчиларининг бадиий чиқишлари, айниқса давлатимиз рамзлари тўғрисидаги ўзлари ёзган шеърларни ўқишлари барча иштирокчиларга манзур бўлди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВ ДАРСЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи-2011» Республика кўрик-танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ва «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 173 номдаги адабиёт ва ўқув қўланмалар кўриб чиқилди.

Танлов дарслик ва ўқув адабиётларининг сифатини ошириш, ўқитувчи-муаллифларни моддий-маънавий рағбатлантириш, профессор-ўқитувчилар фаолиятини омаллаштириш орқали ёш тадқиқотчилар, магистрант, аспирантларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бугун инсон меҳнати қадрланаётган, рағбатлантирилаётган жамиятда яшаётганимиз ва бу ҳар бири-миз учун ўзига хос бир савол саналди. — дейди Тошкент Давлат юридик институти меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқ кафедраси мудири Муборак Усмонова. —

Биз Юлдуш Турсунов ва Юлдуз Раҳимовалар ҳаммуаллифлигида ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун меҳнат ҳуқуқи дарслигини яратдик. Бу дарслик мамлакатимизда биринчи марта ба касб-ҳунар коллежларида кириб берапти. Китобда меҳнат ҳуқуқи, ҳар бир инсоннинг яшаш, ишлаш, меҳнат қилиш ва маълум соҳадаги фаолияти бўйича ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаши, бурч ва мажбуриятлари борасидаги маълумотлар жамланган.

Танловга тақдим этилган 173 номдаги ўқув адабиётлардан 63 таси ғолиб деб топилди. Ўқув адабиётлари муаллифлари ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Ҳамма турмушининг ширин ташвишлари билан андармон. Шинам автобуслар, қатор маршрут таксилари, енгил машиналар оқими бир зум тинмайди, йўловчиларни тўлдириб, манзилга етказмоқда. Лекин баъзан йўловчиларнинг кейингисини кутишга сабрлари чидамай шошиб, югуриб, бетоқат бўлиб жамоат транспортларига чиқиб олишга интилаётганларини кўраемиз. Шу дақиқаларда шовша-шошарлик, бепарволик оқибати жуда қимматга тушиши ҳатто ҳаёлимизга ҳам келмайди. Оқибатда эса...

Феруза бугун негадир жуда эрта уйғонди. Чиройли дастурхон тузаб, ноҳушта тайёрлади. «Болажонларимни бир хурсанд қилай, «Чилонзор» буюм бозорига олиб бориб, зарур нарсаларнинг ҳаммасини олиб бераман» деган ҳаёлда, ўзинча харажатларини ҳам ҳомчўт қилиб қўйди. Она-болалар гурунглашиб бозор қилиб чиқишида вақт аллақачон тушликка қараб кетганди. Она барибир она-да, фарзандининг қўвончига шерик бўлишдек бахтини ҳеч ким улارчалик теран хис эта олмайдди. Феруза ҳам мана шундай ҳолатда эди. Қизининг буй-бастига, қақнаб турган кўзларидеги миннатдорликка, ўғли билан қизининг ўзаро чўғур-чўғур қилишига махлиб бўлганча келаятган она катта йўлдан ўтаётганлари учун ўғлини кўтариб олди. Йилнинг ярмига келгунча биронта машина кўринмади. Кейин эса тўсатдан «так» этган товушдан сесканиб ёнига қаради. Қай қўз билан кўрсинки, қизи Хуршида чамаси 10 метрлар нарида ерга йиқилмоқда. Боласини кўтариб чопган аёл қизининг ойна дейишга ҳам улгурмагани, одамлар чопганча ёрдамга етиб келиб, беҳуш Хуршидани касалхонага етказганларини ҳам англолмай қолди. «Болажоним, қизингни оч, ҳозиргина порлаб турган кўзларингдаги қувончдан яйраб, эҳтиётсизликка йўл қўйдим-ми? Қандақ қиламан, энди, болажонимей», дея фарёд уради онаизор. Йўқ, умри қисқа эканим, шифокорларнинг барча савий-харақатларига қарамастан, эндигина 10 ёшни қаршилаган, орзуларга лиммо-лиммо тўлган қизанингни жажжи юраги уришдан тўхтади. Очилмаган гўнча сўлди, қанча яхши ниятлар

билан боланингни бахтини кўрай деб фарзанд ўстираётган ота- онанинг ҳолини сўрашга тил оқиз.

Бу воқеани кўрган, эшитганлар эса айбдорни тополмай бошлари гаранг. Нега шовшамиз, нега эътиборлироқ бўлмай-миз? Бу саволга ким жавоб беради?

Шу кунги отаси номидagi BA3-2106 русумли машинани

Хукм ўқилди

ГУЛДЕК УМР БЕВАҚТ СЎНМАСИН

ишончнома билан ҳайдаб йўлга тушган Бахтиёр Ҳакимов (исм- фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ўзинча бир нималарни ҳавл қилиб машинани елдек учуриб келаятган эди. Олдинда ҳаракатланаётган «Ласетти» машинанингни уёқ-бубўкка тўсатдан қайрилиши, тезликини гоҳ ошириб, гоҳ секинлашиб келаятганининг унинг қўвончман жажжини чикардикки, мана сепга деб тезликини ошириб ўтиб кетиши ҳаёл қилди. Шу вақт машинанингни ёнида бола кўтарган аёл билан қизанингни пайдо бўлиб қолгани уни шошириб қўйди. Ҳаракатланиш жараёнида пидедаларга, айниқса қарияларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриш, пидедали уриб юборишининг олдини олиш мақсадида бошқарувидаги автомобилни ўз вақтида тўхташи чорасини кўрай, кеч тормоз бериб, йўлдан ўтиб кетаётган қизчани уриб юборди. Бунинг устига жабранув-

чини дарҳол касалхонага олиб бормаган. Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида жабранувчи касалхонада ҳушига келмай, кейинчалик суд тиббий экспертизасининг ҳулосасига қўра оғир даражадаги тан жароҳати олганлиги оқибатида вафот этган. Бу биз мақоламиз бошида айтиб ўтган онаси билан йўлни кесиб ўтаётганда ҳалокатга учраган Хуршида эди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судида ушбу иш кўриб чиқилди. Бахтиёр Ҳакимовнинг айбига тўлиқ иқдор бўлгани, эҳтиётсизлик туфайли йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгани, қилган ишдан қаттиқ пушаймонлиги, ёши, оилавий шароити, ижобий тавсифланиши, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаятгани, муқаддам судланмаганлиги каби барча ҳолатлар эътиборга олиниб, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 266- моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганлигида айбдор деб топилди. Ва шу моддага асосан уни уч йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ва шунча муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарилиди.

Афсуски, ҳайдовчининг шовша- шошарлик билан йўлга тушгани, бунинг устига ҳаракатланиш вақтида оғоҳ, сезгир ва зийрак бўлмагани оқибатида бир инсон умри бевақт умр дафтаридан ўчирилди, фарзанд доғи ота- она юрагига асосан бўлиб, бир умрлик пушаймонлик азобини солиб кетди. Шу ўринда ҳақиқий бир савол туғилади. Ушбу бахтсиз ҳодиса сабабчиси факат ҳайдовчимми? Йўқ, дегинг келадди, фарзандларимизга жуда ёшлигидан йўл қодаларини ўргатсан, серкатнов йўллардан чопиб, қондани бузиб, ҳам ўзининг, ҳам ҳайдовчилар ҳаётини ҳавф остига қўймастан пидедалар учун мўлжалланган йўлқлар, ер ости йўлларидан юриш лозимлигини тушутирсак бундай аянчли воқеалар содир бўлмайдими?

Саволлар, мулоҳазалар кўп, лекин унга жавоб бериш ва амал қилиш учун ҳар биримиз ҳуқуқий, тиббий ва жисмоний саводдон бўлмоғимиз керак. Шундай эмасми, азияллар!

Комилжон ҒУЛОМОВ, Олмазор тумани прокурори ўринбосари Шоира МУҲАМЕДОВА, журналист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошавтобустрас» акциядорлик компанияси «Д» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни Тошкент шаҳар жамоат транспортда «Мерседес-Бенц» ва «Исузу» русумли автобусларда ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи — 450-850 минг сўм Автобус корхоналарининг манзили:

- 1.«Биринчи автокорхона» ОАЖ — Ҳамза тумани, Уйсозлар кўчаси, 3-уй. Телефон: 290-90-21
2.«2-автобус саройи» ОАЖ — Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 263-уй. Телефонлар: 296-55-52, 296-13-82
3.«3-автобус саройи» ОАЖ — Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 57-уй. Телефон: 248-64-45
4.«4-автобус саройи» ОАЖ — Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 215-87-23, 215-87-27
5.«5-сон автокорхона» ОАЖ — Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Бордонкўл. Телефон: 296-43-89
6.«7-автокорхона» ОАЖ — Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси, 49-уй. Телефон: 279-95-34
7.«8-сонли автосарой» ОАЖ — Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 7-уй. Телефон: 224-04-10
8.«12-автобус саройи» ОАЖ — Сергели тумани, Спутник мавзеси, 12-уй. Телефон: 258-67-46
9.«18-автобус саройи» ОАЖ — Учтепа тумани, ТХАЙ, 132-уй. Телефон: 247-03-36
10.2519-автожамланма ДУК — Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, (собик Иркутск), 20-уй. Телефон: 265-98-40.

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказила- диган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Суд департа- менти Тошкент шаҳар худудий бошқар- маси томонидан, Тошкент шаҳар судининг 06.03.2010 йилги ЖСК-1-88/2006 сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза ту- мани, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 72 «а»-уйда сақланаётган «Хундай Саната» русумли давлат рақами М 44-28 бўлган 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқ- да. Бошланғич баҳоси — 8 398 495 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 27 декабрь кунн соат 11:00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлимининг ва- кили иштирокида бевосита жойига чиқиб та- нишиш мумкин. Аукцион савдоларида ишти- рок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қол- ганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талаб- горлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқ- дорда зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РММнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон Ф-даги қўйилган ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036. ИИН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52

Фан

НОЁБ ГЕРБАРИЙЛАР

Яшиллик оламини ўрганиш жараёнида профессор Ўктам Пратов талайгина янгиликлар устида изланишлар олиб борди.

«Марказий Осиё ва Шимолий Африка шўра- лари: систематикаси, географияси ва филоге- ниси» деган мавзуда химоя қилган докторлик диссертацияси олимга шўхрат келтирди. Ушбу тадқиқотнинг ботаника фанида яратилган даст- лабки йирик илмий иш сифатида ҳам аҳамият- лидир. Африка давлатларидан бирининг марка- зий минтақаси флораси биринчи марта ўз ифо- дасини топган ушбу тадқиқотда минтақа ўсим- ликларининг 300 турдан ортиғи ўрин олган мо- нография бир неча бор китоб қилиб чоп этилди.

Ақбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси

«Оқсарой» биноси атрофини ободонлаштириш бўйича, бинонинг ертўла қисмида инъекция ишлари объекти бўйича танлов савдога ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртамачининг бошланғич нархи 638 606 990 ККС билан ва 532 172 492 ККС сиз Буюртамачи томонидан белгиланган қурилиш муд- дати 2 ой

Буюртамачи: Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва ин- шоотлар бирлашган дирекцияси

Танлов савдолари ташкилотчиси: Қурилишда тан- лов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент ша- ҳар худудий консалтинг маркази

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қўйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар тан- лов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқ- дордаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига; ишлаб чиқариш базалари; ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларига; етарли касбий ва техникавий малакага; молиявий им- кониятларга; шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-му- омила ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга; ўқшаш ин- шоотларини қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўли- ши шарт.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хо- рижий қурилиш ташкилотларининг танлов тақлифлари баҳолашда, маҳаллий пудратчиларга қўйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларга мувофиқ қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етқа- зиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер тақлифлари иштирокчиларининг тендер тақлиф- ларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатлари- ни олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташки- лотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар худудий консалтинг мар- казига қўйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мум- кин: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65

Бир тўпман танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 (бир юз минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилот- чиси томонидан юқоридеги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташки- лотчисига тақдим этишининг охириги муддати — тақлиф- лари (оферталарни) очил ш кунн ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузури- даги Солик, валютга оид жиноятларга ва жиноий да- ромадларни легаллаштиришга қарши курашиш депар- татининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Ўзбе- кистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 фев- ралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида белгиланган вазибаларни ижро этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳам- корлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақса- дида бошқарма ва туман бўлимида мавжуд ишонч телефонлари ҳақида маълумот берилмоқда.

Table with 3 columns: №, Бошқарма ва туман бўлими, Ишонч телефонлари. Lists various districts and their contact numbers.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти то- монидан 2009 йилда Алламуратов Ақбар Соато- вич номига берилган В 428423 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институти то- монидан 2011 йилда Алламуратов Анвар Соато- вич номига берилган М 055754 сонли магистр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекино» миллий агентлигининг «Киночилар уйи» одамлар билан гавжум. Қизиқиб, бинонинг ичига кирганимда, у ердаги деворга илинган турфа хил портретлар «олам»га тушиб қолгандек бўлдим гўё. Улар иштирокчиларга нималарнидир сўзлаётгандек эди назаримда. Буларни кўриб, ёш рассомнинг истеъдодига қойил қоласан.

Кўргазмалар

РАНГЛАР УЙҒУНЛИГИДА ҒЎЗАЛЛИК МУЖАССАМ

Бугунги кунда мустақиллик шарофати билан ёшлар қаторида Камолитдин Бехзод номдаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти магистр йўналишининг биринчи босқичида тахсил олаётган Қазқобой Хужамуратов ҳам «Икки ғўзал симфонияси» номли илк кўргазмасини томошабинлар билан ўртоқлашди. Ундан ўттиздан ортиқ катта-кичик ижодий асарлари жой олган бўлиб, ҳар бири ўзига хос ранглар жилосига эга ва теран маъно акс этиб туради.

Кўргазмини томоша қилган инсон Қорақалпоқ диёрига саёҳат қилгандек бўлади. Сабаби, расмларда қорақалпоқларнинг миллий урф-одатлари, турмуш тарзи, йиғит-қизларнинг портретларини кенг саҳнада, Орол денгизининг бугунги киефасини кўриш мумкин. Тасвирларнинг эътиборига лойиқ томони, уларнинг кўпчилигида қўшларнинг тасвири туширилганлигидадир.

Бу каби ер ва само ғўзалликлари уйғунлаштирилганлигининг маъносини рассомдан сўраганимизда: «Бу халқимиз меҳмондўстлигининг белгиси» дея тўшунтирди. Дуторга қабул ўтирган бўлб ул тасвири эса қозқ олими Шўқан Валихановнинг «Қорақалпоқлар саҳронинг биринчи булбуллари» деган таърифини эс-латида.

Дарҳақиқат, қўшиқсевар халқимиз ҳар бир ишда оҳанг яратишга қодир. Қазқобойнинг расмлари ҳам бизга ғўзаллик ҳақида сўзлайди. «Севадими, севамайдами?», «Чимилдик», «Ранглар дунёси», «Оқ кема», «Эски шаҳар», «Орол», «Унсиз ёлғизлик», «Орзулар дарахти» каби ўзгача усулда чизилган, фалсафий маънога эга расмлар

муаллифнинг руҳий дунёси бой эканини исботлайди. «Лимон» натюрморти, «Муса», «Дўппили бола», «Азиза» портрети, бундан ташқари, тасвирий санъатнинг турли жанрларида чизилган ушбу расмларнинг боғда ўсган ранг-баранг гуллардек атрофни безаганлиги томошабинда ўзгача кайфият уйғотади.

Кўргазмини очиб берган «Ўзбекфильм» студияси кино рассомси Қаҳрамон Нуриддинов Қазқобойнинг ўзига хос услуби борлигини эътироф этиди ва ижодига баланд парвозлар тилади.

«Ўқиган бадиий китобларим, ғўзал табиат, ўзбек ва жаҳон тасвирий санъат оламида бек-торас асарлар яратган рассомлар ижоди мени доимо илҳомлантириб келган. Асосан портрет чизишни яхши кўраман, Юзюдан меҳр нури таралувчи оналар, ғўзаллиги олдида дунё лол бўлган парилар, кўзларида ўт чакнаган жасур ўғлонлар асосий қаҳрамонларим. Уларнинг аксари ҳаёлий оламни идеаллари бўлса, айримлари ҳаётий. Мен доим ҳаётдан «ИНСОН» ни кўришман» дейди илланувчан рассом.

Ижод аҳлининг юраги тоза, қалби беғубор ва ҳиссиётларга тўла бўлади. Шу сабаб у яратган ижод намунаси инсонларнинг кўнгил торини чертишга қодир. «Киночилар уйи»да ташкил этилган «боғ»дан маънавий озук олиб, қорақалпоқ халқи ҳақида янада қизиқарли маълумотларга эга бўлиб чиқиб кетар эканман «Хар доим кўнгил уйида суюкли бўлинг, Қазқобой» дегим келди.

Несибели  
МАМБЕТИРЗАЕВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

ЭЛ АРДОҒИДАГИ САНЪАТКОРНИНГ ҚАЛБ НАВОЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида юртимизнинг барча жойларида бунёд этилган маданият ва санъат саройлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат институтининг мухташам бинолари, концерт заллари, ижодий марказлар, студиялар, болалар ва санъат мактаблари ижрочилик санъатимизнинг ўзига хос анъаналарини давом эттириш, ёшларни миллий меросимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида, юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялашдек улғувор мақсадларга хизмат қилмоқда.

Шу кунги ушбу мухташам сарой байрамона тароват қасб этди. Концертга ташриф буюрган санъат ихлосмандлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, чет эллик меҳмонлар ва кенг жамоатчилик Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва гоёси асосида барпо этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини катта қизиқиш билан томоша қилди. Ушбу қошона тимсолида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мустақиллик йилларида эришган муваффақиятларини яна бир бор яққол тасаввур этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган маъмур маданий тадбир халқимизнинг жаҳон эътирофи этган санъаткор ижодига ҳурмати ҳамда муҳаббатининг ёрқин намунаси бўлди.

Муножат Йўлчиеванинг ижоди нафақат халқимиз, балки халқаро микёсда ҳам миллионлаб инсонларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Ўзбекистон давлат консерваториясида анъанавий хонандлик ва мақом ижрочилиги сирларини ўрганган санъаткор миллий мумтоз қўшиқлар, мақомлар, катта ашулаларни маромига етказиб кўйлади. Ноёб овози, туйғуларга бой ижроси, юракдан кўйлаш услуби мусиқа ихлосмандларини ўзига ром этади.

Хонанда 1997 йилда Самарқандда илк марта ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида биринчи ўринга лойиқ топилган. Устози – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзоев раҳбарлигидаги мусиқачилар гуруҳи билан бирга Осие, Европа, Америка, Африка мамлакатларида кўп бор ижодий сафарларда бўлган. «Ўзбекистон санъати кўнари», фестивал ва концертларда миллий санъатимиз жозибасини намойиш этиб, жаҳон мусиқа ихлосмандлари, санъатшуносларнинг эътирофи ва олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

– Юртимизда Муножатхоннинг қўшиқлари кириб бормаган хонандон йўқ, десак мулоҳаза бўлмайди, – дейди тошкентлик Момохон ая Салоҳиддинова. – Миллий мусиқий меросимиз, мақом намуналари, мумтоз наволар инсонни руҳан қоялади, юксалтиради. Тингловчининг қалби ва онгида олижаноблик, ирода, сабр-қаноат, ҳалоллик сингари эзгу фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Севимли санъаткоримиз репертуари ҳам айни шу йўналишдаги ижро намуналаридан иборатдир. Жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари вакилларининг хайратли ва ҳавасини келтирувчи бундай мухташам анжуманлар саройида соҳирнафас хонанда концертининг ўтказилиши Президентимиз Ислам Каримов томонидан ижод аҳли, санъат ихлосмандларига кўрсатилаётган чеки-сиз меҳр ва эътибор ифодасидир.

– Севимли хонандамизнинг концертини, айни вақтда «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини кўриш учун Қўқондан келдим, – дейди Қўлдошали Худойбердиев. – Юртимиздаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт туйғули истиқлолимиз, содатли кунларимиз, яратувчанлик, бунёдкорлик тимсолига айланган шундай кўркам бинолар бунёд этилмоқда, байрамлар ўтказилмоқда. Миллий мумтоз қўшиқларимизнинг инсон қалби ва тафаккурига таъсири руҳият, маънавият, ички кечинма-



лар билан ўзвий боғлиқ. Шунинг учун бўлса керак, Муножат Йўлчиева ижросидаги қўшиқларини миллати, тилидан қатъи назар, барча халқлар вакиллари роҳатланиб тинглайди.

– Ўзбекистонга келган сайёҳ бу ажиб диёрнинг бой тарихи, маънавий мероси, санъати ва маданиятига албатта мафтун бўлиб қолади, – дейди америкалик Адам Смит Альбион. – Мен Муножатнинг қўшиқларини дискда кўп марта эшитгандим. Энди унинг жонли ижросини тинглашга мушарраф бўлдим. Бу концертда турли ёш, миллат, мамлакат вакилларини учратдим. Хонанда юракдан кўйлайди, шу боис ўзбек тилини билмаган мухлис ҳам унинг ижросини берилиб тинглайди. Мумтоз куй-қўшиқларининг инсон руҳини қоялади, маънавиятини юксалтиради. Концерт юксак савияда ўтди. У мана бундай мухташам саройида бўлгани унинг тасвир кучини янада оширди. Ундан ҳар бир инсон катта маънавий озук, ижобий қувват олди. Мамлакатингизда маданият, санъат, маънавият ривожини йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик ана шундай байрамлар, концертларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

– Жаҳоннинг кўлаб мамлакатлари саҳналарига концертлар берган бўлсам-да, халқимизнинг меҳри барибир бўлакча, – дейди Ўзбекистон халқ артисти М.Йўлчиева. – Истиқлол йилларида миллий маданиятимиз, санъатимиз, бой маънавий меросимизни жаҳонга танитиш учун кенг имкониятлар яратилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг санъат аҳлига ғамхўрлигини ҳаётий-миз, кундалик фаолиятимиз, ижодимизда доимо ҳис этиб яшаймиш. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида бир гуруҳ санъаткорлар қатори менинг ҳам меҳнатларим қадрланиб, Ўртбошимиз фармонида асосан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландим. Бунинг учун Президентимиздан беҳад миннатдорман. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида – мухташам, бетакрор қошонада кўйлаш, яққол концерт бериш ҳар қандай хонанда учун олий бахт! Ана шу эътибор бизга ҳамisha руҳий мадад, маънавий қувват, чекиз илҳом бағишлайди. Доимий илзанишга, янги-янги, янада мукамал, халқимизнинг кўнгил мулкига айланувчи қўшиқларни мухлисларга тақдим этишга ундайди. Зеро, буюк аждодларимизга бешик бўлган шу табарруқ Ватанини кўйлаш, унинг саховатли, меҳридор, самимий, покиза қалби халқига хизмат қилиш санъаткор учун буюк саодатдир.

Юксак ва кўтаринки савияда ташкил этилган, мумтоз наволар, жозибали рақслар билан ўтган концерт ўзига хос байрамга айланиб кетди. Халқимизнинг ардоқли хонандасининг юксак савияли, нозик дидли, гоёт маданиятнинг концерт дастури барчада ўчмас таассурот қолдирди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Нуфузли шахслардан бири келиб, Искандарга фалон киши қизингни севиб қолибди, дебди.  
– Севса нима қилай? – дебди Искандар.  
– Ўлдиришинг керак! – дебди ҳалиги киши.  
– Бировни севгани учун, бировни ёмон кўргани учун ўлдирсақ, дунёда одамзоддан ном-нишон қолмайди-ку?!

Искандар Румий ўз душманига қарши урушга борадиган бўлди. Аёнлари унга:  
– Эй подшо, ҳозир душман гафлатда, унга кечаси ҳужум қилайлик, – дедилар.  
Искандар деди:  
– Мен ўғри эмасман, саркардаман. Ўғрилик билан галаба қилиш менга уят.

Бир кун Ардашер ўғлининг гоёт қимматбаҳо кийимлар кийиб олганини кўрди. Уни ёнига қақириб:  
– Ўғлим, киши шундай либос кийиши керакки, бундай либос ҳеч бир хазинада бўлмасин, – деди.  
Ўғли ундан:  
– Эй ота, у қандай либос, нимадан тикилади? – деб сўради.  
– У шундай либоски, – жавоб берди отаси, – матоси ғўзал хулқ ва эзгу ишдан, ипи эса муроса ва сабрдан бўлади.

Ардашер ўтмишининг доно кишиларидан бири эди. Бир кун у котибга уч мактуб битишни буюрди. Мактублар битга, котибга тайинлади:  
– Агарда менинг кўзимда газаб учкунини кўрсанг, бирор нарса устидан қатъий ҳукм чиқармасан, аввал биринчи мактубни менга кўрсат. Шунда ҳам газабим босилмас, иккинчи мактубни узат. Ундан ҳам таскин топмасам, учинчи мактубни бер.  
Биринчи мактубнинг мазмуни: «Шошилма, иродангни газаб қўлига асир қилма, шошган киши ҳамisha афсус чекиб, кейинчалик қайғу-алам домида қолади»; иккинчи мактубники: «Ҳокимият қўлида деб, ўзингдан ожизларга жабр қилаверма, кунни келиб замонлар ўзгарса, улар ҳам сен қандай муомала қилган бўлсанг, шундай муомала қилишади»; учинчисиники: «Эй газабланаётган киши, шошиб ҳукм чиқарма, ўзининг қўлга олиб, инсоф юзасидан иш кўр» экан.

Фаридундан сўрадилар:  
– Одамларни ўзингдан узоқлаштирмаслигининг чораси нима?  
У деди:  
– Чидам ва мулойимлик.  
Яна ундан:  
– Мушкул нарсаларни қандай ҳал қилса бўлади? – деб сўрадилар.  
У яна:  
– Чидам ва мулойимлик билан! – деб жавоб берди.

Шош Хусравдан:  
– Ўғилларингдан қайси бирини кўпроқ севасан? – деб сўрашди.  
– Тартиб-интизомга риоя қиладиган, орномусини кўз қорачиғидай сақлайдиган, жамиятда олий мавқени ишғол этиш учун ҳамisha жон қуйдирадиган ўғлимни кўпроқ яхши кўраман, – дебди у.

Эргаш ОЧИЛОВ  
тайёрлаган  
(Давоми бор)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг ваз-конт (бўш) бўлган директорлик лавозимига

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Таълим муассасаси номи	Манзили	Изоҳ
<b>Директорлик лавозимига</b>			
1.	Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги Миробод академик лицейи	Миробод тумани, Темирйўлчилар 1-тор кўчаси, 1-уй	
2.	Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик лицейи	Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй	
3.	Тошкент матбаа-ноширлик касб-хунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Ҳамид Раҳматуллаев кўчаси, 3-уй	
4.	Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи	Уч тепа тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 485-уй	
5.	Тошкент банк коллежи	Олмазор тумани, Мойқўрғон мавзеси, Ёғду кўчаси, 75-уй	
6.	Юнус Ражабий номли Тошкент педагогика коллежи	Чилонзор тумани, 17-мавзе, 2-Қатортол кўчаси, 38-А-уй	
7.	Тошкент политехника касб-хунар коллежи	Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 26-уй	
8.	Олмазор енгил саноат касб-хунар коллежи	Олмазор тумани, 313-уй	
9.	Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи	Ҳамза тумани, Темирчи кўчаси, 53-уй	
10.	Чилонзор матбаа касб-хунар коллежи	Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-уй	

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, танянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
5. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
6. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
7. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
8. Паспорт (нусхаси);
9. Тавсифнома;
10. Меҳнат дафтarchасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.  
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.  
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-31, 252-23-35.



Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2839 нускада босилади.  
Қоғоз бешми А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета таҳриринг компьютер марказида терилган ва сақланган.  
«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаюнаси. Корхона маълумоти: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Нашр учун масъул Д. Исроилов